



**ЎзДЖТУ ректори профессор  
Илхом Мадаминович  
Тухтасиновнинг “Халқаро  
араб тили кунини”га  
бағишланган анжумандаги  
нутқи**



Ассалому алайкум ҳурматли  
элчи жаноблари ва хонимлар!  
Азиз устозлар, ушбу анжуман  
иштирокчилари!  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университетига хуш  
келибсиз!

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ  
السَّلَامُ عَلَیْكُمْ وَرَحْمَةُ اللّٰهِ وَبَرَكَاتُهُ  
السَّادَةُ السَّفَرَاءُ الْكِرَامُ، السَّیِّدَاتُ  
وَالسَّادَةُ الْمُحْتَرَمُونَ  
أَعْزَائِي الْأَسَاتِذَةُ وَالْمَشَارِكُونَ فِي هَذَا  
الْمَوْثَمِرِ  
أَهْلًا وَسَهْلًا بِكُمْ فِي جَامِعَةِ  
أُوْزْبَكِسْتَانِ الْحُكُومِيَّةِ لِللُّغَاتِ الْعَالَمِيَّةِ

Маълумки, араб тили қадим замонлардан буён ўзаро мулоқот воситаси бўлиб, ушбу тилда мумтоз ёзувчи ва шоирларимиз ўзларининг буюк асарларини битганлар. Алишер Навоий, Баховуддин Нақшбандий ва бошқа кўплаб адабиёт номоёндалари ўз асарларини араб ва форс тилларида ёзган. Шунингдек, араб тили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий тилларидан бири ҳисобланади. 18 декабрь - Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан **“Халқаро араб тили куни”** этиб белгиланиши ҳам бежиз эмасдир.

كما هو معلوم، تُعتبر اللغة العربية وسيلة تواصل منذ العصور القديمة، وقد كتب بها كتابنا وشعراؤنا الكلاسيكيون أعمالهم العظيمة. كتب علي شير نوائي وبهاو الدين نقشبندي وغيرهم من أعلام الأدب أعمالهم باللغة العربية والفارسية. بالإضافة إلى ذلك، تُعدّ اللغة العربية واحدة من اللغات الرسمية للأمم المتحدة. وليس من قبيل المصادفة أن يتم تخصيص يوم 18 ديسمبر من قبل الأمم المتحدة ليكون **“اليوم العالمي للغة العربية”**.

Бугунги анжуман нафақат араб тилининг улуғвор тарихини ёдга олиш, балки унинг замонавий дунёдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тарихда араб тили илмий изланишларнинг асосий воситаси сифатида етакчи мавқени эгаллаган: машҳур олимларнинг фалсафа, тарих, тиббиёт ва математикага оид тадқиқотлари, тарихий назариялари ҳам айнан мана шу тил орқали дунё илм-фани хазинасига кириб келган.

إن هذا المؤتمر اليوم لا يهدف فقط إلى إحياء التاريخ المجيد للغة العربية، بل أيضاً إلى تعزيز مكانتها في العالم الحديث. فقد لعبت اللغة العربية عبر التاريخ دوراً مهماً باعتبارها أداة رئيسية للبحث العلمي، حيث دخلت أبحاث العلماء البارزين في الفلسفة والتاريخ والطب والرياضيات إلى خزائن العلم العالمي من خلال هذه اللغة

**Бугунги кунда араб тили халқаро дипломатия, савдо, фан ва маданият соҳаларида кенг қўлланилиб, глобал миқёсда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Ҳозирда араб тилини ўрганиш, уни ривожлантириш, таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни татбиқ этиш талаб қилинмоқда.**

**وفي الوقت الراهن، تُستخدم اللغة العربية على نطاق واسع في مجالات الدبلوماسية الدولية، والتجارة، والعلم، والثقافة، مما يجعلها ذات أهمية بالغة على المستوى العالمي.**

**اليوم، يُعدّ تعلم اللغة العربية وتطويرها وتطبيق تقنيات التعليم والاتصال الحديثة أمراً ضرورياً**

**Бугунги кунда араб тили халқаро дипломатия, савдо, фан ва маданият соҳаларида кенг қўлланилиб, глобал миқёсда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Ҳозирда араб тилини ўрганиш, уни ривожлантириш, таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни татбиқ этиш талаб қилинмоқда.**

**وفي الوقت الراهن، تُستخدم اللغة العربية على نطاق واسع في مجالات الدبلوماسية الدولية، والتجارة، والعلم، والثقافة، مما يجعلها ذات أهمية بالغة على المستوى العالمي.**

**اليوم، يُعدُّ تعلم اللغة العربية وتطويرها وتطبيق تقنيات التعليم والاتصال الحديثة أمراً ضرورياً**

**50 йилдан** ортиқ вақт ўтибдики, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида араб тили катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ушбу жараёни такомиллаштириш, араб давлатлари олийгоҳлари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тил соҳибларини жалб қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Университетимизда араб тили бўйича етук мутахассислар тайёрлаш, ушбу тилни илмий ва амалий ёндашувлар билан бойитиш, шунингдек араб тили ўрганишнинг илғор усулларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

لأكثر من **خمسين عاماً**، يتم تدريس اللغة العربية باهتمام كبير في جامعة أوزبكستان الحكومية للغات العالمية. وإن تحسين هذه العملية، وتعزيز التعاون الدولي مع الجامعات في الدول العربية، واستقدام الناطقين الأصليين، تُعدّ من أبرز اتجاهات أنشطتنا. نحن نولي اهتماماً خاصاً لإعداد متخصصين أكفاء في اللغة العربية، ولإثراء اللغة العربية من خلال المناهج العلمية والعملية، وكذلك لتطبيق أفضل أساليب تعليم اللغة

Ҳозирги кунда университетимизда араб тилини асосий тил сифатида **400** га яқин ва иккинчи чет тили сифатида **600** га яқин бакалаврият талабалари ўрганмоқда. Магистратурада **9** нафар талаба таҳсил олади. **20** нафар маҳаллий ва **9** нафар хорижлик мутахассислар араб тили ва адабиётидан дарс бермоқда.

حالياً، يدرس حوالي **400** طالب اللغة العربية كلفة رئيسية، ونحو **600** طالب كلفة أجنبية ثانية في مرحلة البكالوريوس. وفي الماجستير، هناك **9** طلاب. ويدرس اللغة العربية وآدابها **20** مدرساً محلياً و **9** مدرسين أجانب.

Қуйидаги Араб давлатлари таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ва Англашув Меморандумлари

имзоланган:

Ўмон Султонлигининг Низва университети, Саудия Арабистонининг “Араб тили ҳамма учун” ташкилоти, Жазоирнинг Бискра, Педагогика олий мактаби, Ал Вадий университети, Варагла университети ва Жазоир 2-университетлари.

تم إقامة علاقات تعاون وتوقيع مذكرات تفاهم مع المؤسسات التعليمية التالية في الدول العربية:

- جامعة نزوى في سلطنة عمان
- منظمة "العربية للجميع" في المملكة العربية السعودية
- جامعات بسكرة، والمدرسة العليا للتربية، وجامعة الوادي، وجامعة ورقلة، وجامعة الجزائر 2 في الجزائر.

**Араб тилининг фалсафий ва  
бадий қирраларини ўрганиш  
нафақат илмий тадқиқотларимиз,  
балки халқаро ҳамкорлик учун ҳам  
янги уфқлар очиб беради. Бизнинг  
мақсадимиз — талабаларимизга  
араб тилини мукамал даражада  
ўргатиб, уларни ушбу тилда  
мулоқот қила оладиган, глобал  
миқёсдаги етук кадрлар қилиб  
етиштиришдир.**

**إن دراسة الجوانب الفلسفية  
والأدبية للغة العربية لا تفتح آفاقاً  
جديدة لأبحاثنا العلمية فحسب،  
بل تساهم أيضاً في تعزيز التعاون  
الدولي. هدفنا هو تعليم طلابنا  
اللغة العربية إتقان، ليصبحوا  
متخصصين عالميين قادرين على  
التواصل بهذه اللغة.**

Ишончим комилки, бугунги анжуман араб тилининг жаҳон илм-фани ва маданиятидаги мавқеини ошириш, уни ўқитиш борасидаги илғор тажриба билан ўртоқлашишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизга бевосита ёрдам қилаётган Ўзбекистонда фаолият юритаётган Араб давлатларининг элчихоналари ва хорижлик ҳамкорларимизга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

أنا على ثقة بأن هذا المؤتمر سيُسهم في تعزيز مكانة اللغة العربية في العلم والثقافة العالمية، وسييساهم في تبادل أفضل التجارب في مجال تدريسها. نتقدم بخالص الشكر للسفارات العربية في أوزبكستان، وكذلك لشركائنا الدوليين الذين يدعمون جهودنا المباشرة في هذا المجال.

“Араб тили глобаллашув даврида:  
инновацион ёндашувлар ва  
ўқитиш методикаси” номли  
учинчи халқаро конференсияга  
тўпланган мақолалар сони шу  
кунга қадар 140 дан ортиқ бўлиб  
улардан нафақат маҳаллий балки  
хорижий муаллифлар жумладан  
Жазоир, Миср, Россия  
Федерацияси, Норвегия каби  
давлатлардан мақолалар  
юборилди

بلغ عدد المقالات المجمعة حتى  
الآن للمؤتمر الدولي الثالث بعنوان:  
“اللغة العربية في عصر العولمة:  
المناهج الابتكارية وطرق التدريس”  
أكثر من 140 مقالًا، وقد وردت  
مقالات ليس فقط من مؤلفين  
محليين، بل أيضًا من مؤلفين  
دوليين من دول مثل الجزائر، مصر،  
روسيا الاتحادية، والنرويج

Барчангизга ушбу  
анжуман ишида  
муваффақиятлар  
тилаб қоламиз.

Эътиборингиз учун  
рахмат!

نتمنى للجميع التوفيق  
والنجاح في أعمال هذا  
المؤتمر.

شكراً جزيلاً على  
اهتمامكم!